

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВА НИГИНА СОБИРЖОНОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ СУРУНҚАЛИ НЕФРИТИК СИНДРОМДА
МАТРИКСЛИ МЕТАЛОПРОТЕИНАЗА ПОЛИМОРФ ГЕНЛАРИ,
ҲАМДА УНИНГ ТЎҚИМАВИЙ ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ РОЛИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Бозорова Нигина Собиржоновна

Болалардаги сурункали нефритик синдромда матриксли
металлопротеиназа полиморф генлари, ҳамда унинг тўқимавий
ингибиторларининг роли. 3

Бозорова Нигина Собиржоновна

Роль полиморфных генов матриксных металлопротеиназ
и ее тканевых ингибиторов при хроническом нефритическом
синдроме у детей 27

Бозорова Нигина Собиржоновна

The role of polymorphic genes of matrix metalloproteinases
and their tissue inhibitors in chronic nephritic
syndrome in children..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВА НИГИНА СОБИРЖОНОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ СУРУНҚАЛИ НЕФРИТИК СИНДРОМДА
МАТРИКСЛИ МЕТАЛОПРОТЕИНАЗА ПОЛИМОРФ ГЕНЛАРИ,
ҲАМДА УНИНГ ТЎҚИМАВИЙ ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ РОЛИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №Б 2022.2.PhD/Тиб1682 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.sammu.uz ва «Зиёнет» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рустамов Мардон Рустамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Холматова Барно Турдиходжаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ижевск давлат тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хозирги кунда сурункали нефритик синдром болаларда учрайдиган энг оғир буйрак касалликларидан бири бўлиб, тез авж олиши ва кўплаб асоратларнинг ривожланиши билан таърифланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...сурункали нефритик синдром буйрак патологиясининг болалик даврига хос асосий шакллари орасида 2-ўринни эгаллайди ва охириги 10 йил ичида сурункали нефритик синдром билан касалланиш барқарор ривожланиб, буйрак касалликларининг 36,8 фоизини ташкил қилади.»¹ Айни пайтда сурункали нефритик синдром билан хасталанган беморларда касалликнинг эрта диагностиканинг мураккаблиги сабабли ушбу касалликларга чалинган беморларни даволашнинг давомийлиги ва кечишини башорат қилишнинг оғирлиги, уларни ўз вақтида аниқлаш ва диагностика-даволаш жараёнини тўлиқ амалга ошириш мақсадида энг мақбул усулини танлаш, уларни қўллашнинг оптимал вақтини белгилаш ҳамда даволашнинг натижаларини баҳолаш нефрология амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда болаларда учрайдиган сурункали нефритик синдром ривожланиш механизмлари, эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болаларда сурункали нефритик синдром кечишининг клиник лаборатор хусусиятларини аниқлаш, ўз вақтида ташхислаш, ушбу касалликнинг ривожланишига имкон берувчи омилларни баҳолаш, металлопротеиназа гуруҳига мансуб полиморф генлар аллел ва генотип ролини аниқлаш ва қон зардобдаги Цистатин С концентратцияси ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, болалар орасида буйрак касалликларни эрта ташхислаш, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда болаларда сурункали нефритик синдромнинг ривожланишининг

¹Информационный бюллетень ВОЗ. 2 августа 2019 г. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/nephrologiya>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори

сабаблари ва патогенезини аниқлаш, ММП-9 полиморф генлари ва унинг ТИМП-2 тўқимавий ингибиторларининг касаллик ривожланишидаги ролини баҳолаш, полиморф генларда ўзгариш борлиги ва бу касалликнинг сурункали формага ўтишига олиб келишини исботлаш, Цистатин Снинг миқдорини ўзгариши ва унинг эрта ташхислашдаги ўрнини асослаш орқали даволаш ва профилактиканинг индивидуал дифференцирланган дастурларни ишлаб чиқиш натижасида касаллик асоратларини ногиронликни ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ - 60-сонли “Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда айнан сурункали нефритик синдром кўп ҳолларда сурункали гломерулонефрит натижасида ривожланиши изоҳланган бўлиб, унинг оғир кечиши ва кўплаб асоратларга сабаб бўлиши аниқланган (Макарова Т.П. 2019). Муаллифлар сурункали нефритик синдром ва сурункали гломерулонефритни МКБ-бўйича битта шифр (№ 03) белгиланганлигини кўрсатиб ўтган. Чунки сурункали гломерулонефритни морфологик шакли турли хил бўлиб, фақатгина биопсия йўли орқали аниқ ташхислаш мумкин. Шунинг учун кейинги 5-йил ичида “сурункали нефритик синдром” -термини ишлатилмоқда (Н.П. Шабалов-2019). Адабиётларга кўра, гломеруляр патологиянинг ривожланиш механизми, биринчи навбатда, иммунитетнинг Т-ҳужайрасининг генетик заифлиги натижаси ҳисобланади. Бу охир-оқибатда буйракнинг алоҳида қисмларини тиклаш жараёнларининг бузилишига олиб келади, яъни нефроннинг антигеник тузилишининг кейинги ўзгариши ва иммун комплексларнинг шаклланишида намоён бўлади. Ушбу жараёнда иммун комплексларнинг хужайрада тарқалиш тезлиги, нефритик синдромнинг патогенези масаласи очиқлигича қолишига олиб келади. (Вялкова А.А. 2019). Сурункали нефритик синдромнинг ривожланишида учта асосий механизмга аҳамият берилади: иммун, гемодинамик ва метаболик. Бироқ, нефритик синдромнинг ривожланишида бу омилларнинг биринчиси энг

катта аҳамиятга эга бўлиб, фақат 90-йилларда гломерула ва периферик қонда иммун комплексларини аниқлаш ҳақида хабарлар тасдиқланиб, ушбу контцепция ишлаб чиқилиб, кейинчалик иммунокомплекс гломерулонефрит назарияси ишлаб чиқилди. (Смирнов А.В.2018)

Сўнги йилларда касаллик патогенизада жараён ривожланишининг коптокча базал мембранасининг таъсирланган жойларида локализация қилиниши, организмга кўпроқ миқдорда антителло ҳосил қилувчи хужайралар антиген билан боғланиш ва иммун комплексини ҳосил қилиш учун антителалар ишлаб чиқариши кўрасатилган (Крутова А.С.2020). Бундан ташқари, комплемент тизимининг фаоллашуви мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида нейтрофилларни гломерулага жалб қилади. Нейтрофиллар, базал мембрана соҳасидаги иммун комплексларнинг фагоцитози пайтида, лизосомал ферментларни чиқаради ва бу ферментлар матриксли металлопротеиназа деб аталиб, мембранага зарар етказди (Байко С.В 2020). Матриксли металлопротеиназа (ММП) мезангиал хужайраларнинг кўпайишини кўзғатади, бунинг натижасида гломеруляр хужайраларнинг патологик пролиферацияси ҳолати ривожланади. Ҳозирги вақтда матриксли металлопротеиназанинг 28-хил тури ўрганилган, буйрак касалликларида матриксли металлопротеиназа-9 (ММП-9) полиморф генлари муҳим аҳамият касб этади. (Чеботарева Н.В.2018)

Ўзбекистонда нефритик синдром ривожланишида иммун тизимнинг аҳамияти, касалликларининг ривожланиш хавфи юқорилигини билдирувчи маркерларни ўрганиш, яъни ўзгармас склеротик ўзгаришларга учраши ва бу организмнинг эрта сунъий овқатлантиришга ўтиши, экологик омиллар, турли аллергияларни хужайрага таъсири билан боғлиқлиги аниқланган (Каримжонов И.А.2019). Касаллик ривожланишида генетик мойиллик, тўқима даражасида ирсиятга таъсири борлиги муаммоси ҳозирги кунгача ҳали ҳам тўлақонли ўрганилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, сурункали нефритик синдром билан хасталанган болаларда ММП-9 полиморф генлари ва унинг ТИМП-2 тўқимавий ингибиторларининг ўрганиш касалликнинг диагностиканинг янги йўналишларини таъминлаб, даволаш схемаларини такомиллаштирига қаратилган илмий тадқиқотларни амалда бажариш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертатсия бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети амалий тадқиқот лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” (2020-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали нефритик синдромнинг ривожланишида генетик омилларнинг аҳамиятини аниқлаш ва клиник кечиш хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда сурункали нефритик синдром кечишининг клиник лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

болаларда учрайдигин сурункали нефритик синдромда металопротеиназа-9 полиморф генлари, (ММП-9) ҳамда унинг тўқимавий ингибиторларининг (ТИМП-2) аллел ва генотип частоталарининг тарқалишини аниқлаш;

болаларда сурункали нефритик синдромда ММП-9, ТИМП-2 полиморф генларининг аллели ва генотиби билан қон зардобадаги Цистатин С концентрацияси орасида боғлиқликни аниқлаш;

ММП-9 (А-8202G) rs 11697325 ва ТИМП-2 (С536Т) rs 11551797 генларининг полиморф маркерларига қараб болаларда сурункали нефритик синдромнинг клиник хусусиятларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг нефрология бўлимида сурункали гломерулонефрит билан оғриган 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 102 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник, лаборатор, биокимёвий ва ПЦР генотиплаш усули учун беморларнинг веноз қони, зардоба ва беморлар пешоби ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, инструментал, биокимёвий, турдибометрик, молекуляр генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда сурункали нефритик синдром кечишининг оғирлик даражаси клиник (аста-секин ривожланиши, диспепсия, қоринда оғрик) ва қонда Цистатин С миқдори билан узаро боғлиқлиги аниқланган;

илк бор сурункали нефритик синдромда ММП-9 (А-8202G) rs 11697325 генотиби учраган беморларда пролиферация жараёнининг кучайиши оқибатида склеротик учоқлар ривожланиши касалликнинг клиник кечиши оғирлашишига олиб келиши аниқланган;

болаларда сурункали нефритик синдромда ММП-9 (А-8202G) rs 11697325 полиморф генлари ва унинг тўқимавий ингибиторлари ТИМП-2 (С536Т) rs 11551797 касалликни ташхислашда эрта диагностик маркер эканлиги исботланган;

илк бор ММП-9 (А-8202G) rs 11697325 генларининг аллеллари ва G/G гомозиготали генотиби сурункали нефритик синдромли болаларда касаллик ривожланиш хавфини аниқлашда прогностик аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда сурункали нефритик синдром ривожланишини башорат қилишда ММП-9 (А-8202G) rs 11697325 полиморфизмининг АА, GG, AG нинг генотиплари ва ТИМП-2 (С536Т) rs 11551797 полиморфизмининг ТТ, СС, СТ генотипидан фойдаланиш тавсия этилган;

сурункали нефритик синдром билан оғриган болаларда ММП-9 (A-8202G) rs 11697325 ва ТИМП-2 (C536T) rs 11551797 полиморф генларини баҳолаш, генетик индивидуалликка таянган ҳолда, профилактик стратегиянинг самарали усулини ишлаб чиқилган;

сурункали нефритик синдром билан оғриган болаларда касалликни эрта ташхислаш ва даволашни ўз вақтида бошлаш мақсадида Цистатин С миқдорини аниқлаш, гломеруляр фильтрация тезлигини (ГФТ) ни аниқ баҳолаш мезони эканлиги исботланган;

болаларда сурункали нефритик синдромни баҳолашда, ММП-9 (A-8202G) rs11697325 полиморф генлари ва унинг тўқимавий ингибиторларининг ТИМП-2 (C536T) rs 11551797 ўзгариши касалликнинг муҳим диагностик ва прогнозтик мезон сифатида тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида болаларда сурункали нефритик синдромни эрта ташхислаш ва кечишини олдиндан прогноз қилишга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти,, болаларда сурункали нефритик синдром ривожланишининг патогенетик механизмларини ёритиб бериш, симптом-комплекс баҳолаш, буйрак коптокчаларида яллиғланиш маркерлар даражасини аниқлаш, хужайранинг генетик заифлигини сурункали касалликни келиб чиқишидаги ўрнини аниқлаш, ўзбек миллатига мансуб болаларда ушбу патологиянинг ривожланишида генларининг ролини исботлаш ва генларнинг полиморф маркерлари ассоциациясига қараб касаллик кечишининг клиник хусусиятлари аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти, сурункали нефритик синдром диагностикасининг қўшимча мезонлари сифатида хужайравий, генетик кўрсаткичларидан фойдаланиш бўйича тавсияларни асослаш, Цистатин С ва биохимиявий кўрсаткичлар асосида таклиф этилган алгоритмнинг моделида генетик маркерларни аниқлаш йўли билан сурункали нефритик синдром ни эрта ташхислаш ва прогноз қилиш усуллари такомиллаштириш орқали асоратларнинг олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Болалардаги сурункали нефритик синдромда матриксли металопротеиназа полиморф генлари, ҳамда унинг тўқимавий ингибиторларининг роли бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

сурункали нефритик синдромни ўз вақтида ташхислаш мақсадида малекулар генетик текширишлардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Болаларда учрайдиган сурункали нефритик синдромда матриксли металлопротеиназа полиморф генлари ҳамда унинг тўқимавий ингибиторларининг роли” услубий тавсияномаси тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 майдаги 8н-р/554 сонли маълумотнома). Тавсия етилган тавсияномалар болаларда сурункали нефритик синдром ривожланишини прогноз қилишда ва профилактик чора тадбирларни такомиллаштиришга имкон берган;

сурункали нефритик синдромни эрта ташхислаш ва прогнозлаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Болаларда учрайдиган нефритик синдромда клиник-лаборатор кўрсаткичлар динамикаси” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 майдаги 8н-р/555 сонли маълумотномаси). Тавсия етилган тавсиянома болалардаги нефритик синдромни турли формаларида касалликни даволаш тактикасини оптималлаштиришга имкон берган;

олинган натижалар Соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятида, хусусан Республика Болалар Миллий тиббиёт марказида, Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 1-клиникасида ва Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида амалга оширилди. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 июндаги 8н-з/324-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ етилиши болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайтиришга, касаллик асоратларини олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва касалликни диагностикаси ва профилактикасига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан, 7 та мақола, шулардан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, об'екти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Болаларда сурункали нефритик синдром муаммосининг ҳозирги ҳолати”** номли биринчи бобида сурункали нефритик синдром тўғрисидаги сўнги адабиётларнинг маълумотлари тизимлаштирилган. Болаларда сурункали нефритик синдромнинг клиник жиҳатлари, яллиғланиш маркерлари ва матриксли металлопротеиназа полиморф генларининг диагностик аҳамияти, унинг касалликни прогнозлашдаги, шунингдек профилактик ёрдамнинг асосий йўналишлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг характеристикаси ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** номли иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари, лаборатория тадқиқот усуллари оид маълумотлар тавсифланган.

Вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг нефрология бўлимида сурункали нефритик синдром билан оғриган 102 нафар бемор текширувдан ўтказилди. Назорат гуруҳи ўша ёшда бўлган 27 нафар соғлом болалардан Самарқанд шаҳар №3 сон оилавий поликлиникадан диспансеризатсиядан ўтказилиб танлаб олинди. Сурункали нефритик синдром ташхиси ЖССТ талабларига мувофиқ қўйилди ва МКБ-10 касалликлар халқаро таснифига мувофиқ таснифланди. Беморларни текшириш комплекси умумклиник, биокимёвий, турдибометрик, молекуляр-генетик тадқиқот усуллари ўз ичига олди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институтининг иммунорегуляция лабораториясида ММП-9 генлари ва уларнинг тўқима ингибиторлари ТИМП-2 генетик тадқиқотлари ўтказилди. Беморларнинг ва соғлом болаларнинг қон лейкоцитлари ДНКсида ген полиморфизми аниқланади. Танланган ДНК стандарт нуклеосорб усулида Diatom™ DNAprep 200 тўпламлари (ИзоГен лабораторияси, Россия) ёрдамида амалга оширилди. ДНК намуналарини типлаш ген ҳудудларига эга бўлган ўзига хос олигонуклеотид праймери ёрдамида амалга оширилди. ДНКнинг ПЦР кучайтирилиши учун Gene Pak™ PCRCore тўпламидан фойдаланган ҳолда ПЦР таҳлили ўтказилди.


Қон зардобидаги Цистатин Смиқдори Тошкентдаги SWISS-LAB лабораториясида иммунотурбидиметрик метод ёрдамида аниқланди.

Умумий ҳолда 129 нафар болалар текширилди. Текширилаётган болаларнинг ёши ва жинсига нисбатан таркиби қўйидагича бўлиб, 5-7 ёш 51(39,5%), 8-11 ёш 41(31,8%), 12-15 ёш 37(28,7%) ни ташкил этади (расм-1).



Расм-1. Текширилаётган болаларнинг ёшига нисбатан таркиби.

Сурункали нефритик синдром билан оғриган 102 нафар бемор болалар текширилди. Текширилаётган болаларнинг ёши ва жинсига нисбатан таркибига кўра, асосий гуруҳда 12-15 ёшли ўғил болалар 35,4%, қизлар 29,7% ни, 8-11 ёшли ўғил болалар 27,7%, қизлар 35,1% ни, 5-7 ёшли ўғил болалар 36,9%, қизлар 35,1% ни ташкил қилади. Шундай қилиб жами ўғил болалар 64%, қизлар 36% ни ташкил этади. Бу эса касалликни қизларга нисбатан, ўғил болаларга кўпроқ учрашини кўрсатади (расм-2).



Расм 2 Сурункали нефритик синдром билан оғриган болаларнинг ёш кўрсаткичлари.

Назорат гуруҳига эса 12-15 ёшли ўғил болалар 7,7%, қизлар 14,4% ни, 8-11 ёшли ўғил болалар 30,8%, қизлар 42,8% ни, 5-7 ёшли ўғил болалар 61,5%, қизлар 42,8% ни ташкил қилади.

Тадқиқот 2 босқичда ўтказилди: 1-босқичда шифохонадан сурункали нефритик синдромга чалинган 102 нафар бемор текширилиб, 3 гуруҳга бўлинди: I гуруҳ – протеинурик формадаги 36 нафар бемор, II гуруҳ – макрогематурик формадаги 35 бемор, 3 гуруҳ- аралаш формадаги 31-нафар

беморлар. Назорат гуруҳи эса, Самарқанд шаҳар 3-сон оилавий поликлиникасида дитспансеризатсиядан ўтган 27 бемор соғлом болалар танлаб олинди.

Бемор болаларда анкета савол-жавоблари, умумий қон-сийдик, биокимёвий таҳлил, ултратовуш текширивлари, махсус турбидиметрик тадқиқот ўтказилди. Ишимизнинг иккинчи босқичида эса молекуляр-гинетик таҳлил ўтказилди.

“Сурункали нефритик синдром билан оғриган болаларда буйракдаги ўзгаришларнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари”- деб номланган 3-бобда, беморлардаги клиник лаборатор кўрсаткичлар касалликнинг турли хил кўринишларида аниқланди. Сурункали нефритик синдром билан оғриган беморларда жараённинг қўзғалиш давридаги шикоятларнинг намоён бўлиши Протеинурик формада (n=36) қуйидагича намоён бўлади (Расм-3).




Расм 3. СНС билан оғриган беморларда касалликнинг қўзғалиш давридаги шикоятлари. (протеинурик форма)

Сурункали нефритик синдромнинг қўзғалиш давридаги шикоятларнинг намоён бўлиши макрогематурик формада (n=35) қуйидагича намоён бўлади (Расм-4).



Расм 4. СНС билан оғриган беморларда касалликнинг қўзғалиш давридаги шикоятлари. (макрогематурик форма)

Сурункали нефритик синдром билан оғриган беморларда жараённинг қўзғалиш давридаги шикоятларнинг намоён бўлиши Аралаш формасида (n=31) эса қуйидагича намоён бўлади.



Расм 5. СНС билан оғриган беморларда касалликнинг қўзғалиш давридаги шикоятлари. (аралаш форма)

5-расмдан кўришиб турибдики, касалликнинг протеинурик ва аралаш шакллари билан оғриган беморларда кенг тарқалган шиш (мос равишда 75%; 5,84%), сийдик чиқаришнинг камайиши (80,6% ва 77,4%) ва сийдик шаффофлигининг ўзгариши шикоятлари билан ажралиб туради. Макрогематурик формаси билан оғриган беморлар кўпинча қорин ва бел сохаларида оғриқлар (54,3%), макрогематурия ва вазн камлигидан шикоят қиладилар. Касалхонага ётқизилган беморларнинг 17 (16,7%) беморнинг аҳволи оғир, 29 (28,4%) беморнинг аҳволи ўртача оғирлик даражасида бўлиб, касалликнинг оғирлиги экстрауренал ва буйрак белгиларининг комбинацияси билан баҳоланди.

Объектив текширишда умумий интоксикациянинг беморларнинг кўпчилигида 33 (32,6%) булиб, умумий дармонсизлик, иштаҳанинг пасайиши, терининг рангпарлиги, марказий асаб тизимининг ўзгарувчанлиги билан намоён бўлди. Беморларнинг 66,7 фоизда умумий холсизлик ва тез чарчаш қайд этилган. Беморларнинг баъзилари бош оғриғи 57,4%, қориннинг такрорий оғриғи 31,3% кўнгил айнаш ва қусиш, олигурия, сийдик ранги ўзгаришидан шикоят қилган.


Беморларнинг 56,1 фоизда қон босимининг ошиши кузатилди. Протеинурик ва аралаш формалари билан билан оғриган барча болаларда қорин бўшлиғида эркин суюқлик йиғилиши туфайли қориннинг катталашиши қайд этилган, 2 та беморда перикард, 1 тасида - экссудатив плеврит қайд этилган. Олинган натижаларга кўра, протеинурик шаклдаги СНС билан оғриган беморларнинг 85,7 фоизда ва аралаш шаклдаги 58,4 фоизда гипопроteinемия (42-55г/л), гиперхолестеролемиянинг 76,7 фоизда (8,7-9,8) қайд этилган. Бундан фарқли ўлароқ, макрогематурик шакли билан оғриган

беморларда қон зардобидаги умумий оксил миқдори ва гиперхолестеринемиянинг сезиларли даражада пасайиши аниқланмади.

Ишимизнинг иккинчи босқичида ўрганилаётган гуруҳлардаги болалар ўртасида маълумотлар таҳлили касаллик анамнезини йиғиш, перинатал ва генеалогик анамнез, буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш ва махсус биокимёвий тадқиқот ва ултратовуш текшируви асосида амалга оширилди.

Умумий клиник тадқиқот шикоятларни аниқлаш, объектив ҳолатни ўрганиш, шу жумладан тана вазни индексини ҳисоблаш, систолик босимни, диастолик босимни, юрак уриш тезлигини ўлчаш, шишларни визуал ва пайпаслаб текширувини ўз ичига олган.

Лаборатория тадқиқотлари: лейкоформула билан умумий қон таҳлили; сийдикнинг нисбий зичлиги ва чўкмасини – лейкоцитлар, эритроцитларни (бинокуляр ёруғлик микроскопи -Примо Стар Сарл Зеисс) ўрганиш билан умумий сийдик таҳлили, бактериоскопия ва кўрсатмаларга кўра – сийдикни микробиологик текшириш амалга оширилди.




Расм 6. СНС нинг протеинурик шаклида сийдикдаги ўзгаришлар.

Касалликнинг турли формаларида сийдик синдроми турли кўринишларда намоён бўлди.


6-расмдан кўришиб турибдики, СНС нинг протеинурик шаклида сийдикда оксил мавжудлиги билан намоён бўлади (қунига 3 дан 5 г гача - 61,1%; қунига 5 г дан ортиқ - 38,9% - сезиларли ўзгаришлар сийдик чўкмасида бўлиб, гиалин (13 бемор - 36,1%), донадор (30,6%) ва эпителий (22,2%) аниқланган.

Макрогематурик шаклда асосий кўринишлар гематурия ва цилиндрүрия бўлиб, сийдик чўкиндисида эритроцитлар (34,3%) ва эпителий (45,6%) устунлик қилади. 22 (62,9%) беморда суткада 3 г гача протеинурия кузатилди. Макрогематурия фақат 2 (5,7%) беморда кузатилган. Сийдикнинг умумий таҳлилида 10 (28,6%) беморда эритроцитлар бутун кўриш майдонини қоплаган, 23 (65,7%) беморда эса кўриш соҳасида 10 дан 40 гача эритроцитлар сони аниқланган (7-расм).



Расм 7. СНС нинг макрогематурик шаклида сийдикдаги ўзгаришлар

Аралаш шаклда (8-расм) асосий кўринишлар протеинурия, микрогематурия ва цилиндрурия бўлиб, сийдик чўкмасида эритроцитлар (19,4%) ва донадор (41,9%) бўлаклари устунлик қилади. 12 (38,7%) беморда суткада 3 г гача протеинурия, 9 (29%) беморда 3 дан 5 г гача протеинурия, 10 (32,3%) беморда 5 г дан ортиқ протеинурия кузатилди. Аралаш шакли бўлган СНС да, беморларда макрогематурия кузатилмади. Сийдикнинг умумий тахлилида 1 (3,2%) беморда эритроцитлар бутун кўриш майдонини қоплаган, 8 (25,8%) беморда эса кўриш соҳасида 10 дан 40 гача эритроцитлар аниқланган.



Расм-8. СНС нинг аралаш шаклида сийдикдаги ўзгаришлар.

Буйрақларнинг структуравий ҳолатини баҳолаш учун Сименс қурилмасининг 4.0 версияси (Ултратовушли сканер) аппаратининг В режимида (кулранг шкала тасвирларда) ултратовуш диагностикаси амалга оширилди. Бирламчи ултратовуш текширувида буйрақлар ҳажми, паренхиманинг қалинлигини, паренхима қатламининг эхогенлиги ва бир маромлиги баҳоланди.

Қон биокимёвий таҳлили. Қон зардобда албумин, креатинин ва сийдик кислотаси ва Цистатин С миқдорини аниқлаш билан оқсил алмашинувини баҳолаш амалга оширилди.

Беморларнинг умумий гуруҳида албумин ва Мочевина кўрсаткичларининг лаборатория тадқиқотлари натижалари.

Жадвал-1

Умумий гуруҳда албумин ва мочевина миқдорининг кўрсаткичлари

	Асосий гуруҳ (n=102)	Назорат гуруҳ (n=27)	Манн-Уитни п-валуе
Албумин (г/л)	25.8±4.3	42.5±7.3	<0.001
Мочевина (ммол/л)	12.2±5.1	6.8±3.1	<0.001

Сурункали нефритик синдромли беморларда албумин ва мочевина даражасини таҳлил қилдик. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ беморларининг қон зардобдаги албумин ва мочевина даражаси назорат гуруҳидаги соғлом болаларникидан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилади.

Ривожланиш суръатларини баҳолашда қуйидаги формуладан фойдаланиб амалга оширилган:

$$\text{ГФТ мл/мин/йил} = [(\text{ГФТ2} - \text{ГФТ1}) / \text{T}^* \text{ ой}] \times 12 \text{ ой} \quad (1),$$

бу ерда: ГФТ(СКФ) (1) мл/мин/1.73- беморнинг биринчи ташрифида гломеруляр филтрация тезлиги, ГФТ (2) мл/мин/1.73 – беморнинг иккинчи мурожаатида гломеруляр филтрация тезлиги, T* (ой) – икки мурожаат орасидаги вақт даври.

Умумий қабул қилинган тавсияларга мувофиқ, йилига 0,7-1 мл/мин/ 1.73 м² бўлган ГФТ нинг физиологик пасайиши [128] ва прогрессив, агар ГФТ пасайиши йилига > 1 мл/мин/1.73 м² бўлса ва ҳар йили 5 мл/мин/1.73 м² [170] бўлади.

Шварс формуласи билан Гломеруляр филтрация тезлиги аниқлаш.

Эндоген креатинин клиренсини ҳисоблаш Шварс формуласи билан амалга оширилади. Беморнинг сийдигини йиғиш қийин бўлган ҳолларда қонда креатинин миқдорини аниқлаш учун Шварс формуласига кўра эндоген креатинин клиренсини ҳисоблаш:

$$S_{cr} (\text{ml} / \text{min} / 1,73 \text{ m}^2) = \frac{0,0484 \times \text{бўй} (\text{см})}{S_{cr} (\text{mmol})}$$

S_{cr} – қонда креатинин миқдори. Бир ёшдан ошган болалар учун 0,0616 коэффиценти олинган.

K – ҳисоблаш коэффиценти

0,33 – 2 ёшгача бўлган эрта туғилган чақалоқлар учун;

0,45 – 2 ёшгача туғилган болалар учун;


0,55 – 2 – 14 ёшдан катта ўғил ва қиз болалар учун;

0,55 – 14 ёшдан ошган ўғил болалар учун;

S_{cr} – қондаги креатинин миқдори (қон зардобда мкмол / Л)


Цистатин С бўйича гломеруляр филтрация тезлигини (ГФТ) аниқлаш учун Тошкентдаги SwiS- LaB лабораториясида иммунотурбидометрик усул билан аниқланди. Бунда Цистатин С ва ГФТ ўртасида аниқ боғлиқлик аниқланди.

Беморларнинг умумий гуруҳида креатинин ва Цистатин С даражалари ўртасидаги чизикли муносабатларнинг натижалари.



Расм 9. Беморларнинг умумий гуруҳида креатинин ва Цистатин С даражалари ўртасидаги чизикли боғлиқлик натижалари. (Цистатин С даражаси)


9-расмдан кўришиб турибдики, беморларнинг умумий гуруҳидаги креатинин ва Цистатин С даражалари ўртасидаги Спирмен корреляция коэффиценти қийматларига кўра сезиларли даражада ўртача корреляция даражаси аниқланди ($R^2 = 0,60$, p -қиймати). $<0,001$). (Расм 9)



Расм - 10. Беморларнинг умумий гуруҳида креатинин ва Цистатин С учун ГФТ кўрсаткичлари ўртасидаги чизикли боғлиқлик натижалари. (Цистатин С бўйича ГФТ)


10-расмдан кўришиб турибдики, Цистатин С ва креатинин учун гломеруляр филтрация тезлиги ўртасида сезиларли даражада ўртача корреляция аниқланди. Спирмен даражасидаги корреляция коэффиценти ($R^2 = 0,64$, p -қиймати $<0,001$) га тенг.

Кейинги босқичда ўзгарувчилар ўртасидаги корреляция даражасини аниқлаш учун чизикли регрессия усулидан фойдаланган ҳолда СНС нинг нефротик ва аралаш шакллари билан оғриган беморлар гуруҳида креатинин ва Цистатин С даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш амалга оширилди.



Расм - 11. Протеинурик ва аралаш шакллари билан оғриган долаларда креатинин ва Цистатин С даражалари ўртасидаги чизиқли муносабатларнинг натижалари.
(Цистатин С даражаси)

11-расмдан кўришиб турибдики, нефротик ва аралаш шакллари бўлган беморларда креатинин ва Цистатин С даражалари ўртасидаги Спирмен даражали корреляция коэффициенти қийматларига кўра сезиларли даражада ўртача корреляция даражаси ($R^2 = 0,68$, p -қиймати $< 0,001$) аниқланди.



Расм-12. Протеинурик ва аралаш шакли СНС беморларда креатинин ва цистатин С миқдорлари орасидаги ГФТ ўзаро боғлиқлиги.
(Цистатин С бўйича ГФТ)

Шунингдек, протеинурик ва аралаш шакли беморларда Цистатин С ва креатинин учун гломеруляр филтрация тезлиги (ГФТ) ўртасидаги корреляцияни таҳлил қилдик. 12-расмдан кўришиб турибдики, СНС нинг нефротик ва аралаш шакллари бўлган беморларда Цистатин С ва креатинин учун гломеруляр филтрация тезлиги кўрсаткичлари ўртасида Спирмен даражасидаги корреляция коэффиценти қийматлари бўйича сезиларли даражада ўртача корреляция аниқланди. ($R^2=0,61$, p -қиймати $< 0,001$).

Шундай қилиб, СНС билан оғриган беморларнинг умумий гуруҳида креатинин ва Цистатин С ўртасида ижобий чизиқли корреляция аниқланди. Цистатин С ни мустақил равишда ёки креатинин билан биргаликда ўлчаш ГФТни аниқроқ баҳолашни ва буйрак этишмовчилиги хавфини баҳолашни таъминлайди.

“Сурункали нефритик синдром билан оғриган болаларда ММП-9 (A-8202G) rs11697325 ва ТИМП-2 (C536T) rs11551797 генларининг молекуляр-генетик таҳлили”,- деб номланган IV-бобида қон зардобиди протеиназалар ва уларнинг ингибиторлари таркиби молекуляр генетик таҳлил ёрдамида аниқланди.

Болалардаги нефритик синдромда ММП9 (A-8202G) rs11697325 ва ТИМП2 (C536T) rs11551797 ген аллеллари ва генотиплари частотаси тарқалишидаги тадқиқотларда олинган натижаларга кура умумий касаллар гуруҳида ММП9 (A-8202G) rs11697325 генининг, назорат гуруҳига нисбатан касаллар гуруҳида 1,66 мартага кўп аниқланган бўлиб, (OR= 2,058; $\chi^2=4.152$ ($p=0.041584$); 95% CI: 0.464 >0.861> 1.597), асосий аҳамиятга эга GG генотиби аниқланди. ММП9 (A-8202G) rs11697325 генининг AA генотиби ишончлилиқ тенденциясига эга, протектив эффект олиб борган ва кўпинча назорат гуруҳида учраган (OR=0,466; $\chi^2=3.527$ ($p=0.060362$); 95% CI: 0.207 >0.466> 1.045) (Жадвал 2).

Жадвал 2

Умумий гуруҳда ММП-9 (A8202G) ва ТИМП-2 (C536T) генотипларнинг тарқалиш кўрсаткичлари

Генотип ММП9 (A8202G)	Касаллар, n=102	Касаллар, %	Ген отип	Назорат n=67	Назорат %	χ^2	OR (95% CI)
A	77	37,75	A	68	50,75	2.674 (p=0,101 998)	0.461 >0.704> 1.073
G	127	62,25	G	66	49,25		0.932 >1.421> 2.167
A/A	13	12,75	A/A	16	23,88	3.527 (p=0.060 362)	0.207 >0.466> 1.045
A/G	51	50,00	A/G	36	53,73	0.225 (p=0.634 954)	0.464 >0.861> 1.597
G/G	38	37,25	G/G	15	22,39	4.152 (p=0.041 584)	1.021 >2.058> 4.148
Генотип ТИМП2 (C536T) rs11551797	Асосий n=102	Асосий %	Ген отип	Назорат, n=27	Назорат, %	χ^2	OR (95% CI)
C	200	98,04	C	132	98,51	0.2 (p=0.654 689)	0.224 >0.758> 2.567
T	4	1,96	T	2	1,49		0.39 >1.32> 4.472
C/C	98	96,08	C/C	65	97,01	0.104 (p=0.747 587)	0.134 >0.754> 4.236
C/T	4	3,92	C/T	2	2,99	0.104 (p=0.747 587)	0.236 >1.327> 7.453
T/T	0	0,00	T/T	0	0,00		

ТИМП-2 (C536T) rs11551797 генотиплаш натижасида, умумий гуруҳда ҳеч қандай ахамиятли ассоциациялар аниқланмаган.

Жадвал 3

СНС нинг макрогематурик шакли билан огриган болаларда ММП9 (A-8202G) rs11697325 ва ТИМП2 (C536T) rs11551797 генотипларнинг тарқалиши

Генотип ММП9 (A-8202G)	Беморлар n=35	беморлар %	Генотип	Назорат n=67	Назорат %	χ^2	OR (95% CI)
A	29	41,43	A	68	50,75	1.601 (p=0.2058 12)	0.383 >0.687< 1.231
G	41	58,57	G	66	49,25		0.812 >1.457< 2.612
A/A	4	11,43	A/A	16	23,88	2.261 (p=0.1326 33)	0.126 >0.411< 1.343
A/G	21	60,00	A/G	36	53,73	0.366 (p=0.5449 5)	0.564 >1.292< 2.96
G/G	10	28,57	G/G	15	22,39	0.475 (p=0.4906 61)	0.546 >1.387< 3.52
Генотип ТИМП2 (C536T) rs11551797	бемор n=35	бемор %	Генотип	Назорат, n=67	назорат, %	χ^2	OR (95% CI)
C	69	98,57	C	132	98,51	0.001 (p=1)	0.093 >1.045< 11.734
T	1	1,43	T	2	1,49		0.085 >0.957< 10.736
C/C	34	97,14	C/C	65	97,01	0.001 (p=1)	0.092 >1.046< 11.955
C/T	1	2,86	C/T	2	2,99	0.001 (p=1)	0.084 >0.956< 10.924
T/T	0	0,00	T/T	0	0,00		

Эслатма: χ^2 – Пирсон бўйича ишончлилик кўрсаткичи; OR – нисбий хавф

3-жадвалда кўрсатилганидек, нефритик синдромнинг макрогематурик шакли бўлган болалар гуруҳида ММП9 (A-8202G) rs11697325 ва ТИМП1 (C536T) rs11551797 генларининг аллеллари ва генотипларини генотиплаш натижалари бўйича кейинги таҳлиллар ўтказилди. СНС протеинурик шакли бўлган беморларнинг умумий гуруҳи ва кичик гуруҳидан фарқли ўларок, ўрганилган аллел вариантлари ва генотипик бирикмаларнинг пайдо бўлиш частотасида сезиларли фарқлар кузатилмади, эҳтимол бу намунадаги беморлар сонининг чекланганлиги билан боғлиқ ва намунанинг кенгайиши билан янада муҳим кўрсаткичларни олиш мумкин. (OR= 0.546; $\chi^2=0.475$ (p=0.490661); 95% CI: 0.546 >1.387> 3.52).

